

Бенамозликнинг мудҳиш оқибати

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

АБДУЛҚАЮМ АБДУЛҒАФФАРХОН ЎҒЛИ

Нашрга тайёрловчи: *Шамсиддин Дарғомий*

2011 - 1432

IslamHouse.com

﴿ سوء عاقبة تارك الصلاة ﴾

« باللغة الأوزبكية »

عبد القيوم بن عبد الغفار خان

مراجعة: شمس الدين درغامي

2011 - 1432

IslamHouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

الحمد لله رب العالمين، والعاقبة للمتقين، ولا عدوان إلا على الظالمين، والصلاة والسلام على سيدنا محمد، وعلى آله وصحبه أجمعين، وبعد:

Беномозликнинг мудҳиш оқибати

Ислом динининг иккинчи рукни-асоси бўлмиш намозни тарк этишлик, бенамозлик бир неча қисмга бўлинади:

Биринчи қисм: намознинг фарзлигини инкор этиб, уни адо этишдан бош тортиш.

Кимда-ким намознинг фарзлигини инкор этадиган бўлса, шубҳасиз у Қуръон, суннат ва уламолар ижмоси билан кофирдир.

Иккинчи қисм: намознинг фарзлигини тан олиб, бироқ уни эринчоқлик ва дангасалик сабабли тўқис адо этмаслик.

Ўзлари намозхон бўла туриб, намозларини унитиб, вақтидан кечиктириб ўқийдиган кишиларни Оллоҳ таоло маломат қилиб бундай деди: *«Бас, намозларини "унитиб" қўядиган кимсалар бўлган "намозхонларга" ҳалокат бўлгай»*. (Моун 4-5).

Саҳобаи киромлар бетобликка ўхшаш узри бўлмаган кишининг намозни жамоатда ўқимаслигини мунофиқлик аломати, деб ҳисоблаганлар. Имом Муслим ривоятида Абдуллоҳ ибн Масъуд رضي الله عنه: ***Бизлардан намозга ҳозир бўлмайдиганлар нифоқи аниқ бўлган мунофиқлар ёки бетоб кишилар бўларди. Ҳатто бетоблар ҳам икки кишини қўлтиқлаб бўлсада намозга ҳозир бўларди***", – деганлар. (Муслим 125).

Учинчи қисм: жони ҳалқумига таялгунгача боши саждага тегмаган, намоз ҳақида гап

кетса, бизлар ҳам насиб бўлса бир кун ўқирмизда, дейдиган кимсалар.

Намоз: мусулмон билан кофир ўртасини ажратувчи асосий белги-аломат ҳисобланади. Шу боис, намозни шаръий узрсиз тарк қилишнинг оқибати мудҳишдир. Бенамозлик оқибати эса (Оллоҳ сақласин) дўзахдир. Оллоҳ таоло айтади: *﴿Сўнг уларнинг ортидан намозни зоя қиладиган ва шаҳватларига бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди у (ўринбосарлар) албатта ёмонликка йўлиқурлар﴾* (Марям 59).

Имом Термизий ривоятида жаноб Росулulloҳ ﷺ бу борада бундай деганлар: ***"Биз ва улар (яъни мунофиқлар) орасидаги аҳду-наймон намоздир. Бас, ким уни тарк қилса, албатта кофир бўлур"***. (Термизий ривояти).

Ҳанифия мазҳабига кўра, имом (яъни бошлиқ ёки у тамондан тайинланган шахс) мусулмонларни намозга чақиради. Агарда бирор киши намоз ўқишдан бош тортса ва унинг бенамозлигига одамлар гувоҳ беришса, у то намоз ўқигунича қамаб қўйилади. Бу ҳол айнан бир шахсда уч марта такрорланса тўртинчи марта яна тарки намозлиги сабабли қўлга тушса, у ҳолда умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилади

* * *